Куч — адолатда

2014 йил
10 октябрь,
жума
№ 41 (502)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ЮКСАК САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ

"Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз".

Президентимиз Ислом Каримов куни кеча Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида халқаро сайёҳликнинг маънавий-маърифий аҳамиятига алоҳида урғу бергани бежиз эмас. Чунки бугунги кунда айнан маърифий туризм дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятларидан бирига айланмоқда.

Айтиш керакки, Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида беқиёс салоҳият ва имкониятларга эга. Ватанимиз тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Туризм ҳақида сўз борганда, аввалambor, мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюргани ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошганига эътибор қаратиш ўринлидир. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсиб, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрган.

Бугунги кунда юртимизда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Ушбу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2 фоиздан ошди. Жумладан, ўтган йили сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёд сармояни ташкил этгани бу соҳа миллий иқтисодиётимизнинг муҳим ва истиқболли тармоқларидан бирига айланиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор. Юртимизда фаолият юритаётган 550 та сайёҳлик компанияси, яъни туроператорлар томонидан ушбу тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган, дунё миқёсида тан олинган "Radisson", "Lotte", "Dedeman", "Grand Plaza" каби брендлар остида хизмат кўрсатувчи отеллар билан бирга оилавий саёҳат қилувчилар учун хусусий меҳмонхоналар тармоғи барпо этилгани шулар жумласидандир.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Хитой Халқ Республикаси Бош прокурори Цао Цзяньмин раҳбарлигидаги ХХР Олий халқ прокуратураси делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Бош прокуратурада учрашув

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров ва Хитой Халқ Республикаси Бош прокурори Цао Цзяньмин кўплаб йўналишлар, жумладан, ҳуқуқий соҳада Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари кенгайтирилаётгани икки мамлакат бош прокуратуралари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва ХХР прокуратура идораларининг ўзаро ҳамкорлиги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш ва экстрадиция тўғрисидаги давлатлараро шартномалар, шунингдек, 2000 йил 11 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги идораларо шартнома асосида амалга оширилмоқда.

Учрашув доирасида 2015-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

— Учрашув самарали ўтди, — дейди ХХР Бош прокурори Цао Цзяньмин. — Мазкур мулоқот идораларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаш имконини берди. Идораларо муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугун имзоланган ҳамкорлик дастури икки мамлакат Бош прокуратуралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашига ишонаман.

Шунингдек, Хитой делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ички ишлар вазирлиги ва Олий судида ҳам учрашувлар ўтказди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

Долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди

Тошкентда "Судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этиш амалиёти ва корпоратив қонунчиликни такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ва Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик ва Олий судлари, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳри ва вилояти хўжалик судлари судьялари, тижорат банклари, суғурта компаниялари, йирик акциядорлик жамиятлари вакиллари, корпоратив ҳуқуқ соҳасининг олим ва мутахассислари, халқаро эксперт-лар иштирок этди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда иқтисодиётимизни барқарор суръатларда ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Qonun ko`magi

Тадбиркор манфаати муҳофазаси – иқтисодий баркамоллик омили

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш борасида адлия тизими ходимлари зиммасига бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган. Чунончи, Президентимизнинг 2011йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан адлия идоралари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қисқа муддатларда кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида "Ишонч телефони" ташкил этилган бўлиб, 2014 йилнинг ўтган даврида ушбу "Ишонч телефони"га тадбиркорлар томонидан 37 та мурожаат келиб тушди. Бу мурожаатларнинг 27 таси юзасидан ўрганишлар ўтказилди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 10 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

(Давоми учинчи бетда)

2014 йил — Соғлом бола йили

Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолати

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддаси.

Халқимиз азалдан ўсиб келаётган ёш авлодга ҳаётимиз давомчилари сифатида алоҳида эътибор билан қараган. Бу эзгу анъана истиқлол туфайли янада кенг қулоч ёйди ва давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Натижада бугун юртимизда бола ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғи ҳақида қайғуриш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳар бир боланинг жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик руҳида тарбиялаш, миллий анъана ҳамда қадриятларимиз, жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш, илмий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, бу борада давлат органлари ҳамда ННТ ҳамкорлигини кучайтириш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар камайишига эришиш ҳам мазкур йўналишдаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан дарак бериб турибди.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Гаровга қўйилган мулк

ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири — шартномавий муносабатлардир. Шу боисдан ўтган даврда шартномавий муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган гаров, олди-сотди, товар айирбошлаш каби ижтимоий-иқтисодий муносабатлар амалдаги қонунчилик асосида тузилган шартнома ва битимлар ёрдамида тартибга солинади.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, қандай ҳолларда ажратилган ер майдони қайтариб олиниши мумкин?

Н. ЧОРИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани

— Амалдаги Ер кодексининг 36, 38-моддаларига асосан томорқа ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдони қуйидаги ҳолларда қайтариб олиб қўйилиши мумкин;

- ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

- ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;

- ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

- қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек, ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;

- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

- мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса — гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади.

Шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда эса, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахс билан никоҳни қайд этиш учун қаерга мурожаат қилинади?

Б.ТЎРАЕВ,
Тошкент вилояти, Тўйтепа тумани

— Оила қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳини қайд этиш умумий асосларда, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасидаги никоҳни қайд этиш тартибига амалга оширилади. Фақат бундай ҳолда никоҳ қайд этиладиган кунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистонда бўлиш визаси ҳақиқий бўлиши ва никоҳга кириш ҳақидаги аризага Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилиниши лозим. Никоҳ ҳақида далолатнома ёзувида унинг қайси давлат фуқароси эканлиги ёзиб қўйилади.

Айтинг-чи, эр-хотин ажрашганда ўртадаги уй-жой, мол-мулк қандай тартибда тақсимланади? Яъни менга тегишли "ТАОМ" МЧЖга нисбатан собиқ турмуш ўртоғим эга чиқиши мумкинми?

Шавкат ПАРДАЕВ,
Қарши шаҳри

— Маълумки, Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат, тадбиркорлик ва интеллектуал фаолияти натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклар эр ёки хотиндан қайси бирининг номига расмийлаштирилганидан қатъи назар, умумий мол-мулк ҳисобланади.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Эр-хотин ўртасидаги мол-мулк, яъни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (АЖ, МЧЖ ва ҳ.к.) мулкини бўлиш масалалари амалдаги фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Iftixor

Мустақил юртимизнинг юксак сайёҳлик салоҳияти

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Изчил ривожланаётган ҳаво ва темир йўл транспорти саёҳатларни тез, қулай ва хавфсиз ташкил этиш имконини бермоқда. 2011 йилдан қатнови йўлга қўйилган "Афросиёб" тезюрар поезди пойтахтимиздан Самарқандга бориб-келувчилар учун жуда катта қулайликлар яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий "Эйрбас" ва "Боинг" авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

Яна бир муҳим далил. Мамлакатимизда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард доллар инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўл бўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Албатта, сайёҳликни ривожлантириш ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан ҳам чамбарчас боғликдир. Шу нуқтаи назардан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона бошқаруви ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланаётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Энг муҳими, мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай имконият яратмоқда. Зеро, Президентимизнинг нутқида таъкидланганидек, **халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омиллар, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.**

Маълумки, туризм — иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ялпи жаҳон маҳсулотининг 9 фоизи, дунё бўйича хизматлар экспортининг 29 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келмоқда. Жаҳонда сайёҳлик хизматларидан тушган даромад ҳажми 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият борасидаги амалий мулоқотида ўзига хос восита вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қилаётир. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоизга кўпаймоқда.

Самарқанд шаҳрида ташкил этилган халқаро анжуманда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср, Туркия, Индонезия каби туризм ривожланган ўнлаб мамлакатлар мутахассислари, халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар — жами 150 дан ортиқ туризм саноати вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Айтиш керакки, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзолари, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқлари, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноати вакилларининг мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги улкан салоҳияти, Ватанимизнинг шонли тарихи, саодатли бугуни ва ёруғ келажаги, халқимизнинг обод, бахтли ва фаровон ҳаёти билан танишиш асносида билдирган самимий фикр-мулоҳазалари ҳамда юксак эътироф тўла сўзлари кишини қувонтиради.

Жумладан, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаи Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейга ташрифидан олган таассуротларини халқаро анжуман минбарида туриб шундай ифода этди: **"бу ерда Ўзбекистон ёшлари илғор таълим технологиялари асосида билим олаётганига гувоҳ бўлдим. Улар келажакда ўз мамлакати, унинг равнақи, бой тарихи ва маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитишга хизмат қилади. Инглиз, немис, француз, араб, итальян ва бошқа тилларда эркин сўзлаша оладиган бу ёшлар Ўзбекистоннинг келажагидир".**

Хорижлик меҳмонлар ҳавас ва ҳайрат билан эътироф этганларидек, юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос анъаналари, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан ажралиб туради. Аҳоли даромадлари ошиб бораётгани ва сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашаётгани самарасида мамлакатимизда ички туризм ҳам тобора ривожланмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларга мувофиқ маданий мерос объектларини таъмирлаш янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Бу форум хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жаҳоннинг етакчи экспертларига халқаро туризм бозорининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги янги тенденциялар ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини яратади.

Мухтасар айтганда, жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ноёб ҳодиса — Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистонимиз, турли маданиятлар чорраҳаси ҳамда дунё цивилизацияси дурдонаси бўлмиш қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз зиёратию томошасига келувчи сайёҳлар оқими яқин истиқболда тубдан кўпайиши кутилмоқда.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
Бобомурод РАЙИМОВ

Maslahat

Солиқ қарзини тўлаш

у қандай тартибда амалга оширилади?



Амалдаги Солиқ кодексининг 54-моддасида солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий шартлари белгилаб қўйилган.

Ушбу моддага асосан, солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

Охирги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра, жорий активлар суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдордаги қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида солиқ қарзи ойма-ой бўлиб тўланган ҳолда амалга оширилади.

Тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланишидан эътиборан тўхтатиб турилади.

Акбар ЖАББОРОВ,
Олий суд катта консультанти

Fuqarolik qonunchiligi

Гаровга

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Биргина гаров шартномаси хусусида тўхталадиган бўлсак, у мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бунда қарздор ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мулк қарз берувчига етказилган моддий зарарни қоплашга йўналтирилади.

Бу борада Фуқаролик кодекси ва "Гаров тўғрисида"ги қонунда алоҳида меъёрлар белгилаб қўйилган. Мазкур қонун ҳужжатлари тарафларнинг, яъни қарздор ва қарз берувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятнинг, хусусан, заём, банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин.

Миллий қонунчилик талабига кўра, уй-жой ёки унинг муайян қисмини, дала ҳовли, квартира, гараж ва бошқаларни гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар нотариал тартибда тасдиқланиши шарт.

Гаровга қўйилган мулкни бошқага ўтказиш тақиқланади. Гаровга қўйилган мулк, шунингдек, вақтинча олди-сотди, алмаштириш, ҳадя ва гаровга олувчининг розилигисиз ижара предмети бўла олмайди.

Гаров шартномасининг афзал жиҳати шундаки, гаров нарсасини алмаштиришга, агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра, бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда, низо чиққан тақдирда эса, суд белгилаган муддатда - гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақлидир.

Томонлар ўз зиммасидаги мажбуриятини тўла бажарганидан сўнг қарз берувчи иккинчи томонга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини нотариусга ёзма равишда маълум қилади. Айни вақтда гаровга қўйилган мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш чораси бекор қилинади.

Гаров объектининг қиймати одатда, гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади. Агар мол-мулк кимошди савдосида сотилганда ипотека шартномаси томонлари ўртасида гаров объектининг бошланғич сотув нархи тўғрисида низо юзага келса, бу қиймат суд томонидан белгиланади.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасига кўра, гаровга олувчи, яъни кредитор гаров билан таъминланган мажбуриятини қарздор бажармаган тақдирда ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли ҳисобланади.

Бундай низоларни ҳал қилишда қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятини бажармаган ҳолларда гаровга олувчи бошқа кредиторларга нисбатан гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан ўз талабини қондиришда устунлик ҳуқуқига эга.

2014 йил — Соғлом бола йили

Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Буларни муваффақиятли бажаришда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ёшларнинг мукаммал билим олишлари, ўз истеъдодини юзага чиқариши учун шарт-шароит яратиш баробарида, бола ҳуқуқларини халқаро меъёрлар даражасида кафолатлайдиган миллий қонунчилик асосини яратиш чоралари кўрилди. Аввало, Конституциямизда бола ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланганлигини айтиш зарур. Шу асосда ўтган даврда бешта халқаро конвенция ратификация қилинди ва ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Хусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланмоқда. "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, васийлик ҳамда ҳомийликка муҳтож шахслар, хусусан, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётир. Шу билан бирга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси изчил амалга оширилиб, судлар ҳамда бошқа муассасаларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг мустаҳкам ҳимояси таъминланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияларга (Женева, 1999 йил 17 июнь) қўшилган бўлиб, бу борада ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ бажараётир. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, хорижлик экспертлар Ўзбекистоннинг болаларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги интилишларини ижобий баҳоламоқда. Масалан, БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича халқаро эксперти, судья Ренате Винтер (Австрия) қуйидаги фикрни билдирган эди: "Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси амалиётга тўла татбиқ этиб келинмоқда ва соҳада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Юртингизда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳамкорликка алоҳида урғу берилаётганлиги ҳам эътиборга молик".

2008 йил 7 январда имзоланган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда илк маротаба болалар, етим бола, ижтимоий ҳимояга муҳтож бола, ногирон бола каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Унда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича давлат сиёсати асослари, давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмалари ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилди. Қолаверса, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Фуқаролик, Меҳнат, Жиноят кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қоидалар ўз ифодасини топди. Масалан, 2013 йил 30 апрелда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, Фуқаролик процессуал кодекси "Фарзандликка олиш" деб номланган янги боб билан тўлдирилди. Унга кўра, мамлакатимизда болани фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур Қонун ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йил 11 декабрда "Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарори қабул қилинди. Ушбу қарор фарзандликка олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш жараёнида юзага келган низоларни тўғри ҳал этиш борасида ягона суд амалиётини шакллантириш имконини бериши билан бир қаторда, ота-оналарнинг болалар тарбияси учун жавобгарлигини ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Мисол учун, Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида жойларда "Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида" мавзуида семинарлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро қоидалар ва миллий қонунчилик, бола тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон миллий қонунчилик ҳамда халқаро ҳуқуқ талаблари асосида бола ҳуқуқлари ва манфаатлари борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажариб келаяпти. Пировардида эса эртамиз эгалари — болаларимиз ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етмоқдалар.

Кўчқор ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари

(«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 8 октябрь сонидан олинди.)

Долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад соҳада эришилган ютуқларни муҳокама қилиш, мамлакатимиз корпоратив қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хўжалик судлари томонидан корпоратив низоларни ҳал этиш амалиётини кўриб чиқиш ва ушбу йўналишдаги хорижий тажрибани ўрганишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари Ш.Саидов, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори Н.Жўраев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кўп тармоқли иқтисодиёт шакллантирилиб, хусусий мулкни ривожлантириш устувор вазифага айланганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида хусусий мулк бозор иқтисодиётининг муҳим негизларидан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда хўжалик жамиятлари ва ширкатларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият юритиш тартибини белгилаб берадиган мустаҳкам корпоратив қонунчилик яратилди. Корпоратив муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунлар, бошқа қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари билан билан тартибга солинмоқда. Ушбу ҳужжатлар корпоратив бошқарув принципларини татбиқ этиш, корхона хўжалик фаолиятининг якуний натижалари учун ижро органи ва кузатув кенгашларининг масъулиятини ошириш, корхонани бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш орқали корхоналарни бошқариш тизимини ислоҳ этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбир иштирокчилари Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошираётганини таъкидлади. Жумладан, шу йилнинг май ойида янги таҳрирда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу қонун корпоратив бошқарув ва назорат органлари ваколати, ҳуқуқ ва жавобгарлигини аниқ белгилаш, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари, умумий йиғилиши ва тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, корпоратив муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган.

— Корпоратив хўжалик ҳуқуқи ва у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар барқарор иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди GIZнинг "Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш" дастури директори Йорг Пуделька. — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз ва бу ҳамкорликни янада кенгайтирамиз. Мазкур дастурни амалга ошириш муддати 2018 йилга қадар узайтирилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда Ўзбекистонда мингга яқин акциядорлик жамияти, 94,9 мингдан ортиқ масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият, 190 дан зиёд ишлаб чиқариш ва 280 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари, 2,7 мингта оилавий, чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этилган 4,8 мингдан ошиқ корхона рўйхатга олинган. Мазкур корпоративлар ва уларнинг иштирокчилари ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг кенг тарқалган усулларидан бири — бу суд органларига мурожаат этишдир.

2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Хўжалик процессул кодексининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, хўжалик судларига қарашли ишлар доираси кенгайтирилди.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, бундай тоифадаги низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқининг хўжалик судларига берилиши ушбу йўналишдаги ишларга оид муаммоларни ҳал этиш, уларнинг сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш, соҳага оид ягона суд амалиётини шакллантириш, қонунийлик ва одил судловни таъминлаш имкониятини яратди.

— Ўзбекистоннинг корпоратив қонунчилигини ўрганиш асосида шуни айтишим мумкинки, мамлакатингизда ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, - дейди Германия Федерал молия суди судьяси Франческа Верт. - Жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Олий хўжалик суди делегациясининг Германияга ташрифи чоғида ҳамкорликни, ўзаро билим ва тажриба алмашишни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилган эдик. Бугунги давра суҳбати ҳамкорлигимизнинг самарадорлигини ёрқин намоён этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқни қўллаш тизимида юзага келадиган масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Qonun ko`magi

Тадбиркор манфаати муҳофазаси – иқтисодий баркамоллик омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, адлия идораси томонидан тадбиркорлик субъектлари билан бевосита очиқ мулоқотлар ташкил этиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳар ойда "Очиқ эшиклар куни" тадбири мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларида бевосита тадбиркорлар иштирокида 9 маротаба шундай тадбирлар ташкил этилиб, 2000 нафардан зиёд тадбиркорлик субъекти билан очиқ мулоқот ўтказилди ва уларга амалдаги қонунчилик доирасида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибида тўлиқ тиклаш, бу борада қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ ундириб берилишини таъминлаш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки уларнинг ижросини тўхтатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида адлия бошқармаси томонидан берилган тақлифларга асосан тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этган 40 нафар айбдор шахс суд қарорлари асосида маъмурий жаримага тортилди.

Шунингдек, ўтказилган ўрганишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот ва идораларга 113 та тақдимнома ва огоҳнома киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 149 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида давлат бошқарув идораларининг 32 та ноқонуний қарори бекор қилинди.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари фойдасига 10 350 миллион сўмдан ортиқ маблағни ундириш бўйича судларга 113 та даъво аризаси киритилди. Масалан, Самарқанд шаҳрида жойлашган "Aim Samarqand Qurilish" МЧЖ ("Пудратчи") билан "Самарқанд Автотеххизмат" корхонаси ("Буюртмачи") ўртасида йўлакларни жорий таъмирлаш бўйича шартнома имзоланган.

Шартноманинг 2.1-бандига асосан "Пудратчи" "Буюртмачи" тақдим этган смета лойиҳасида кўрсатилган 34.430.888 сўмлик ишларни бажариши, "Буюртмачи" эса, шартноманинг 2.4-бандига асосан тўловларни амалга ошириши керак эди.

Ушбу битимнинг 2.3-бандига кўра, "Буюртмачи" "Пудратчи"га шартномага асосан аванс тариқасида битим суммасининг 15 фоизини, 2.4-бандига кўра, шартномада кўрсатилган барча ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг қолган 85 фоиз маблағни ўтказиб бериши лозим эди.

Айтиш керакки, "Пудратчи" томонидан шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган муддатларда ишлар тўлиқ бажарилган бўлса-да, "Буюртмачи" томонидан 19.430.888 сўм миқдоридаги маблағ ўз вақтида тўлаб берилмаган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан "Aim Samarqand Qurilish" масъулияти чекланган жамияти манфаатини кўзлаб, 19.430.888 сўм асосий қарз ҳамда 1.943.088 сўм жарима, жами 21.373.976 сўмни ундириб бериш тўғрисида Самарқанд вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъво талаби қаноатлантирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини янада ошириш, бир сўз билан айтганда, юртимиз равнақини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Санжар ЧУЛИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

қўйилган мулк

ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир

Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш имконияти бўлмаган тақдирдагина гаровга олувчи бу мол-мулкни Фуқаролик кодексининг 281-моддасида белгиланган тартибда ўз эгалигига олиши мумкин.

Гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ ундиришга қаратилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондириш ҳам мумкин. Бунга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, судга даъвогар — Республика Савдо-саноат палатасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси "Агробанк" акциядорлик-тижорат банки (ОАТБ) Шеробод тумани филиали манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар - "Чоршанбиев Абдурашид Ярашевич" деҳқон хўжалиги ва Абдурашид Чоршанбиевга нисбатан кредит қарзи ҳамда фоизини жавобгарлардан солидар тартибда ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Аниқланишича, "Агробанк"нинг Шеробод тумани филиали ҳамда "Чоршанбиев Абдурашид Ярашевич" деҳқон хўжалиги ўртасида 2012 йил 10 октябрь куни кредит шартномаси имзоланган. Кредит таъминоти сифатида 2012 йил 23 октябрдаги ипотека шартномасига асосан жавобгар Яраш Чоршанбиевга тегишли бўлган 62.500.000 сўмга баҳоланган, Шеробод туманининг "Селпон" қишлоқ фуқаролик йиғини ҳудудида жойлашган 7 хонали, умумий майдони 287,65 кв.м. бўлган нотурар жой биноси гаровга қўйилган.

Айтиш керакки, "Чоршанбиев Абдурашид Ярашевич" деҳқон хўжалиги шартнома шартларини ўз вақтида тўлиқ адо этмаган. Яъни банкдан олинган кредит маблағини қайтариш чораларини кўрмаган. Шу боис суднинг 2014 йил 25 августдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогарнинг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилди. Яъни ўз вақтида қайтарилмаган жами 56.038.769 сўм кредит қарзи ва кредитга ҳисобланган фоизларни деҳқон хўжалиги ва жавобгар Яраш Чоршанбиевга тегишли бўлган нотурар жой биноси ҳисобидан ундириш белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, гаровга қўйилган мулк қарздор ва қарз берувчи ўртасида ишончли муносабатларни қарор топтиришга, қарз берувчига етказилган моддий зарарни ўз вақтида қоплашга, шу тариқа томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Лутфулла ТОШМУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди раисининг ўринбосари

Jinoyat va jazo

Ишонч – юксак инсоний қадрият

уни суиистеъмол қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

Ҳар бир эзгу ва хайрли иш замирида аввало, инсоннинг самимий ишончи, садоқати, меҳр-оқибати каби туйғулари мужассам бўлади.

Дарҳақиқат, ишонч — юксак инсоний қадрият. Ишонч бор экан, оилалар аҳил-иноқ яшайди, дўстлик, биродарлик каби муқаддас ришталар янада мустаҳкам боғланади. Аммо ҳаётда ўзининг чиркин манфаати йўлида ўзгаларнинг ишончини суиистеъмол қилишдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Бунга бир неча марта фирибгарлик жиноятига қўл урган учун қонуний жавобгарликка тортилган, аммо бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган Шаҳноза Абдураҳмонова (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг қилмишларини мисол қилиш мумкин.

Бу аёлнинг қилмишларини эшитиб, киши дафъатан, ҳайратдан ёқа ушлайди. Чунки у бир эмас, бир неча марта фирибгарлик жиноятига қўл урган, ўзининг ҳийла-ю макри билан содда ва ишонувчан одамларни "чув" тушириб келган.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЭЪЛОН!

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига қуйидаги талаблар асосида ҳужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажи камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2014 йилнинг 7 октябрь ҳолатига кўра, қуйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2 нафар раис ўринбосари,
5 нафар судьялик лавозимлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 6 нафар судьялик, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 2 нафар раислик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Андижон вилояти:

жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Бухоро вилояти:

жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти туман (шаҳар) судларининг 6 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Жиззах вилояти:

жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти туман судларининг 4 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари, 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

Қашқадарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Навоий вилояти:

жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2 нафар судьялик, туман судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 1 нафар судьялик, туманлараро судининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Наманган вилояти:

жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раиси, 2 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 5 нафар судьялик лавозимлари;

Самарқанд вилояти:

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 1 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг раиси, 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозимлари;

Сирдарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 3 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Сурхондарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туман судларининг 6 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Фарғона вилояти:

жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 7 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Хоразм вилояти:

жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг раиси, 1 нафар судьялик, туман судларининг 3 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Тошкент вилояти:

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 7 нафар раислик ва 15 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 7 нафар раислик ва 18 нафар судьялик лавозимлари;

Тошкент шаҳри:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, туман судларининг 2 нафар раислик ва 15 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 11 нафар судьялик лавозимлари вакант.

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фикрномалар (камида учта) илова қилинади.

Судьялик лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака ҳайъатига мурожаат этишлари мумкин.

Huquqiy ma`rifat

Шартли ҳукм

айбдорни ахлоқан тузатишнинг муҳим воситасидир

Мустақилликнинг ўтган даврида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар амалда кутилган самараларни бермоқда.

Жумладан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши қонунчилигимизда инсонпарварлик, бағрикенглик ва одиллик тамойиллари устуворлигини тўлиқ намоён этмоқда. Бунга мисол тариқасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллашга кенг ўрин берилаётганини қайд этиш жоиз.

Маълумки, суд жиноят ишини мазмунан кўришда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Агар суд айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий қарорга келса, унга нисбатан шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Айтиш жоизки, шартли ҳукм фақат ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар тайинланган ҳолларда қўлланилади. Бордию, суд бир ёки бир неча жиноят содир этган шахсга нисбатан шартли ҳукм қўллаш лозим деган хулосага келса, бундай қарор шахсга ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида эмас, балки жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаш чоғида қабул қилинади.

Албатта, аввало, шартли ҳукм асослантирилган бўлиши, иккинчидан, маҳкумни ахлоқан тузатиш мақсадига хизмат қилиши зарур. Шартли ҳукм қўлланилганда синов муддати белгиланади. Бу муддат бир йилдан уч йилгача бўлиб, у ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 72-моддасида шартли ҳукмни бекор қилишга асос бўладиган ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган. Чунончи, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, шартли ҳукм қўллашдан кўзда тутилган мақсад шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашдан иборатдир. Шунингдек, судланувчига қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб, уни иш ёки ўқиш жойи, маҳалла аҳли ва оила аъзолари, яқинлари даврасида ўз хулқини тузатишга эришиш кўзда тутилган. Бу эса, адолатпарварлик, инсонпарварлик, халқимиз табиатига хос бағрикенглик тамойиллари асосига қурилган қонунларимизнинг айбдор шахсни келгусида тўғри йўлга тушиб олишига берилган имкониятдир.

Муҳаммад ШЕРТАЙЛОҚОВ,
жиноят ишлари бўйича Фориш тумани судининг раиси

Jinoyat va jazo

Ишонч – юксак инсоний қадрият

уни суиистеъмол қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шулардан бири Г.Рашидова анчадан буён жўн чойшаб савдоси билан шуғулланиб келаётганди. Аммо унинг молига Ш.Абдураҳмонова харидор бўлди-ю, савдосига путур етди.

— Чойшабингиздан бир-иккита эмас, нақ 10 дона сотиб оламан, — деди Ш.Абдураҳмонова кунларнинг бирида унинг ёнида пайдо бўлиб. — Фақат пулини сал кейинроқ бераман. Мен ҳаётда ҳеч кимни алдамаганман. Ҳали кўрасиз, мен билан ҳамкорлик қилсангиз, ишларингиз юришиб кетади.

Г.Рашидова содда ва ишонувчан аёл эди. Шу боис у Ш.Абдураҳмонова устамонлик билан қўйган фириб тузоғига осонлик билан тушди. Яъни у 10 дона, нархи 4.200.000 сўмлик чойшабни фирибгар аёлга насияга бериб юборди.

Орадан беш кун ўтгач, Ш.Абдураҳмонова яна Г.Рашидованинг қаршисида пайдо бўлди.

— Чойшабингиздан яна 10 дона бериб туринг, — деди у ўта хотиржам оҳангда. — Яхши харидор чиқиб қолди. Сизга молингизни сотилгани яхши-ку?! Фақат пулини сал кейинроқ беради.

— Тунов куни ҳам насияга олиб кетган эдингиз. Ҳалигача пулини келтириб бермадингиз-ку! — деди Г.Рашидова.

— Бераман, ҳаммасини битта қилиб бераман, — деди Ш.Абдураҳмонова. — Ахир, биз бир кунлик таниш эмасмиз-ку?! Ёки менга ишонмаяпсизми?!

Г.Рашидова унинг гапларини эшитиб, нима дейишини билмай қолди. Шу тариқа Ш.Абдураҳмонова яна молларни насияга олиб кетди.

Фақат орадан бир неча кун ўтгач, у 500 АҚШ доллари олиб келди.

— Ҳозирча манавини ола туринг, — деди у пулни Гулруҳнинг қўлига тутқазаркан. — Мендан ҳам кўп харидорлар насияга олишяпти. Бермасликнинг сира иложи йўқ, савдо юришмайди-да. Лекин пул тушиши биланоқ қарзимни албатта, узаман. Энди сиздан илтимос, бу сафар ҳам 10 дона чойшаб бериб турсангиз. Кўряпсиз-ку, пулини бўлиб-бўлиб қайтаряпман.

Шундан сўнг Гулруҳ Шаҳнозага яна бир талай чойшабни бериб юборди.

Қисқаси, орадан кўп ўтмай фирибгар Ш.Абдураҳманова Г.Рашидованинг 30.600.000 сўмлик молини алдов билан қўлга киритди.

Шундан сўнг у қорасини кўрсатмай қўйди. Г.Рашидова эрта-индин келиб қолади, деган ўйда уни узоқ кутди. Натижа бўлмагач, Ш.Абдураҳмоновани қидиришга тушди. Гулруҳ унинг телефонига қўнғироқ қилди, уйига излаб борди, аммо барча ҳаракатлари самарасиз кетди.

Гулруҳ ўйлай-ўйлай, охири ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилди. Унинг аризасига асосан, жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Буни қарангки, ана шу жараёнда Шаҳнозанинг бошқа кирдикорлари ҳам ошкор бўлиб қолди. Аниқроқ айтсак, бу аёл фирибгарлик йўли билан бошқаларни ҳам "чув" тушириб келган экан. Жиноят иши материалларидан маълум бўлишича, Шаҳноза Абдураҳмонова сўнгги тўрт йилда фақат фирибгарлик билан шуғулланиб келган. Яъни 2010 йилнинг 7 сентябрида жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судида, 2011 йил 12 апрель ва 12 сентябрда жиноят ишлари бўйича Риштон туман судида, 2011 йил 20 октябрда жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судида унга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси турли бандлари билан қўзғатилган жиноят ишлари кўриб чиқилган ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган. Лекин у булардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмай, яна эски "ҳунари"ни давом эттирган, фирибгарлик йўли билан содда ва ишонувчан одамларни алдаб келган.

Тергов ва суриштирув жараёнларида фирибгар аёл айбига тўлиқ иқрор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан айбдор деб топиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, турли хийла-найранглар билан одамларни алдаб, уларнинг мол-мулкини ўзлаштириш ҳеч кимга яхшилик келтирмайди. Фақат ҳалоллик киши зийнати эканини унутмаслик лозим.

Феруза СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G`aroyib olam

Маълумки, бугунги кунда ҳар қайси соҳада техника воситалари устувор аҳамият касб этади. Қулай ва қудратли техника воситаларидан фойдаланиш мобайнида ҳар биримизнинг хаёлимиздан "буни илк бор ким ўйлаб топган экан?" — деган савол ўтиши табиий.

Биз билган ва билмаган дунё

МАШҲУР ИХТИРО ВА КАШФИЁТЛАР



Масалан, ҳали ёқилғи ва электр энергияси билан ишлайдиган двигателлар ихтиро қилинмаган замонларда паравозлар ким томонидан ва қачон ихтиро қилингани барчамизга қизиқарли туюлиши табиий. Ер юзидаги илк паравознинг муаллифи инглиз муҳандис-ихтирочиси Жорж Стефенсон ҳисобланади. Гап шундаки, Жоржнинг отаси кўмир заводида ишлар, у эса, отасига ёрдамлашар эди. Қизиғи, Стефенсон ҳеч қачон мактабга қатнаб таълим олмаганига қарамай, механикага оид китобларни ўқиб, амалда буғ кучи билан ишловчи машиналар тузилишини ўрганиб, отасининг оғир меҳнатини енгиллатиш мақсадида, ўз паравозининг лойиҳасини яратишга киришади. 1814 йилда у яратган паравознинг илк қатнови ўтказилди.1823 йилда эса, у дунёдаги энг биринчи паравоз заводини очишга муваффақ бўлгач, "Ливерпул-Манчестер" темир йўли қурилиши бошланади. Бу лойиҳанинг ҳомийлари "Энг яхши паравоз" танловини эълон қиладилар. Жорж танловда ўзининг "Ракета" номли паравози билан иштирок этиб, 53 дақиқада 19 километр масофани босиб ўтиб, ғолибликка эришади. Зеро, бу ўша пайтларда юқори техник кўрсаткич ҳисобланарди.

Тарихда қолдирган шундай ихтирочилардан яна бири 1757 йилда таваллуд топган шотландиялик қурувчи ва муҳандис Томас Телфорд эса, йўл қурилиши соҳасида жуда кўп янгиликларни яратган. Томас қурган илк канал, кўприк ва йўллар ҳозир ҳам Буюк Британияда кўплаб учрайди. 1793 йилда Телфорд биринчи энг катта лойиҳаси — Северн ва Мареей дарёлари орасидаги нуфузли Эллзмирс канали қурилишини амалга оширади. Бундан ташқари у барпо этган Лондондан Уилсдаги Холихед портигача бўлган йўл ҳозирда ҳам мамлакатнинг энг муҳим "қон томири" ҳисобланади. Дунёга маълум ва машҳур 177 метрли Менаи бўғозидаги йўл иншооти эса, бу тарихий лойиҳанинг давоми сифатида шуҳрат қозонди.

Америкалик ракетасозлик бўйича мутахассис Роберт Годдард илк ракетанинг ихтирочиси саналади. У 1908 йилда Политехника институтини тамомлагач, радиоактив ҳаракатларга оид теоремалар устида ишлай бошлайди ва то профессорлик даражасига эришгунга қадар порохли ракеталар устида жуда кўп тажрибалар ўтказади. Кейинроқ эса, унда углеводородли ёнилғилар яратиш фикри пайдо бўлади. 1926 йилда Роберт дунё бўйича суюқ реактив ёқилғида ишлай оладиган двигателга эга бўлган ракетани яратишга муваффақ бўлган биринчи олимга айланади. У яратган илк ракета 2,5 лаҳзада атиги 12,5 метр баландликка кўтарила олган, холос. Аммо бу ҳодиса Германия ракетасозлигида муҳим аҳамият касб этди ва "Фай-1", "Фай-2" номли машҳур немис ракеталарининг яратилишида асосий омил вазифасини ўтади.

Ҳамма соҳаларда улкан янгиликлар қилинаётган бундай замонда китоб чоп қилиш соҳаси ҳам ортда қолмади. Гап шундаки, немис ихтирочиси Иоган Гутенберг китобни босма шаклда нашр этишга мўлжалланган машинани кашф этади. У даврга қадар ҳаттотлар китобларни кўчириб ёзиш билан кўпайтира олишган, холос. Бу эса жуда кўп қўл меҳнати, узоқ вақт, сабр-тоқат ва катта маблағ талаб қилган. Унинг ихтироси махсус қоракуя, алиф мойи, ҳаракатланувчи метал ускуна ва босиб чиқарувчи мосламадан иборат бўлган. Мазкур ускуна матнни бутун саҳифа бўйлаб жойлаштириш ва исталган миқдорда ундан нусха олиш имкониятини берган. Гутенберг яратган бу машинада 1456 йилга қадар 300 та нусха кўчиришга муваффақ бўлган. Гарчанд унинг номи зикр этилган бирорта ҳам китоб бизнинг давримизгача етиб келмаган бўлса-да, у матбаа соҳасининг вакили сифатида тарихга ўз номини муҳрлаб қўйди.

Интернет материаллари асосида Мўътабар Хушвақтова тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1022. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7545.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰